

ЎСПИРИНЛИК ЁШИДА ШАХСНИНГ ШАКЛЛЛАНИШИ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ.

Ж.Облокулов

Тошкент Кимё халқаро университети ўқитувчиси.

Телефон: +998979101436 oblokulov.79@mail.ru

Аннотация: *Ушбу мақола ўспиринлик ёшида шахснинг шаклланиши ва миллий тарбиянинг аҳамияти масалалари хусусида мулоҳазалар юритилган.*

Калит сўзлар: *ўспирин, миллий хусусият, миллий характер, миллий ҳис-туйғу, мижози (темперамент), ҳулқ-атвор.*

Олий ўқув юртидаги таълимнинг ўзига хос хусусиятлари талабаларнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар билан (улар хоҳ расмий, хоҳ норасмий бўлсин) мулоқотга кириши учун имконият яратади. Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири ижтимоий етукликнинг жадал суръатлар билан рўёбга чиқишидир. Талабалик даври ўспиринликнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб, 17-22-25 ёшни ўз ичига олади ва ўзининг қатор бетакрор хусусиятлари ва қарама-қаршиликлари билан характерланади. Шу боисдан ўспиринлик даври шахснинг ижтимоий ҳамда касб мавқеини англашидан бошланади. Мазкур паллада ўспиринлик ўзига хос рухий инқироз ёки тангликни бошидан кечиради, жумладан, катталарнинг ҳар хил кўринишдаги (унга ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъий назар) ролларини тез суръатлар билан бажариб кўришга интилади ва турмуш тарзининг янги жиҳатларига кўника бошлайди. Катта одамларнинг турмуш тарзига ўтиш жараёни шахснинг камол топиш хусусиятларига боғлиқ ички қаршиликларни келтириб чиқаради.

Ўзбек психологлари М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Э.Шаумаров, Х.Ибрагимов ва В.Каримоваларнинг тадқиқотларида шахс ҳаёт тажрибасини эгаллашда унда ўзлигини англаш вужудга келишини кўрсатади. Шахсий ҳаётнинг мазмунини англаш, аниқ турмуш режаларини тузиши, келажак ҳаёт йўлини белгилаш шулар жумласидандир. Талаба аста секин микрогуруҳнинг нотаниш шароитларига кўникиб боради, ўзининг мажбуриятларини била бошлайди, шахслараро муносабатнинг янгича кўринишини ўрнатади, турмушдаги ижтимоий ролларни амалда шахсан синаб кўришга интилади. Улардаги ролнинг ҳис-туйғулар воқеяликка муайян ёндашишига бирмунча халақит беради. Чунки улар турмушдаги ютуқлар ва муваффақиятларнинг ижтимоий-психологик илдизлари нимадан иборат эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмайдилар.

Юқорида айтилганлардан қатъий назар йигит ва қизларни олий ўқув юртига қабул қилишда уларда ўз кучлари, қобилиятлари, ақл-заковатлари ички имкониятлари ва иродаларига қатъий ишонч билдиради. Анна шу ишонч ўз навбатида тўла қонли ҳаёт ва фаолиятни уюштиришга умид ҳис-туйғусини вужудга

келтиради. Ўспиринликнинг иккинчи даври хулққа, воқеяликка баҳо бериш имкониятидан ташқари талаб қўйиш ва қатъийлик хусусияти билан фарқланади. Шунинг учун талабалар ҳар доим принципиал бўла олмайдилар. Баъзан қатъиятчилик катталарга салбий муносабатга ҳам айланади. Талабаларнинг ўқитувчи тавсияларини инкор қилиши кўпинча низоларни келтириб чиқаради.

Маълумки ҳар бир миллат ўзига хослиги, миллий маданияти, миллий адабиёти миллий тили ва шу миллатнинг руҳий (маънавий) тарзининг мажмуасида, яъни миллий руҳиятида ўз ифодасини топади.

Ўзбек халқининг ўз руҳий қиёфаси, миллий хусусияти, миллий характери миллий ҳис-туйғуси, мижози (темперамент), хулқ-атвори, хулқи, диди ва таъби алоҳида ажралиб туради. Ўзбек миллатининг билиш жараёнлари (сезгиси, идроки, тасаввури, хотираси, тафаккури ва ҳаёлот) қобилиятининг аниқ йўналишига қаратилганлиги, эҳтиёжи ва қизиқиши, миллий онги ўзига хос хусусиятларига эгадир.

Халқимизнинг тарихий анъаналари, урф-одатлари, удуми, расм-русумлари, ахлоқ меъёри, турмуш тарзи, маданий қадриятлари, шахслараро муносабати, муомала ва мулоқот мароми ва хусусияти бошқа халқларникидан маълум даражада тафовудланади. Масалан, ўзбек халқи характерида андишалилик, хушмуомилалик, ширинсуханлик, меҳмон кутишдаги қўли очиклик ва сахийлик одатлари мавжуд. Шунинг билан бирга, сабр косаси тўлгач зўравонликларга нисбатан аёвсиз бўлиш, юрган йўлидан ортга қайтмасдан, исёнкорлик, бир сўзлик хусусияти ҳам халқимизга хосдир.

Ўспиринлик давридаги миллий характер муайян миллат фазилатларининг ўзига хос хусусиятларининг мажмуасидан иборат бўлади. Ўспиринлик даври ўз ичига иродавий сифатларни (мустақиллик, чидамлик, принципиаллик, ўз-ўзини тутати билиш, ўзига буйруқ бериш, ўзини қўлга олиш, қатъиятчилик, матонат қабиларни) ва ахлоқий ҳислатларни (поклик, интизомлик, самимийлик, ҳаққонийлик, инсонпарварлик ва бошқаларни) камраб олади. Шунингдек, ўспиринлик даврида миллий характер одамларга бўлган муносабатларни (яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик), меҳнатга бўлган муносабатларни (меҳнатсеварлик ёки ялқовлик, масъулиятчилик ёки масъулиятсизлик), нарсаларга бўлган муносабатларни (озодалик, ифлослик, тежамкорлик, исрофгарчилик, аяш ёки аямаслик) ва одамларнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларини (иззат-нафслилик, шўхратпарастлик, мағрурлик, ўзини катта олиш димқдорлик камтаринлик каби хусусиятларни) ифодалайди.

Халқ ўртасида ҳукм суриб келаётган «Сут билан кирган феъл жон билан чиқади» деган нақл ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Чунки, ҳеч қачон инсон зоти онадан ўғри, диёнатсиз, бебурт, бераҳим бўлиб туғилмайди. Аксинча, миллий характер ҳислатлари оила, жамоатчилик, мактабгача тарбия, ўрта ва олий мактаб муҳити таъсирида шаклланади ва инсон шахсий ижтимоийлашиб боради. Ҳудди анна шу

боисдан инсон шахсининг камолоти учун ақлий тараққиёт эмас, балки ахлоқий баркомоллик ўспиринлик даврида ўзак вазифасини ўташ лозим.

Ахлоқий масала инсоният ер юзида пайдо бўлган дақиқадан бошлаб, то ҳозирги давргача ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Ғайри оддий ҳатти-ҳаракатлар юзага келмаслиги учун ахлоқ-тарбиянинг негизи бўлиб қолмоғи шарт.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. – Т.: Университет, 2002.
2. Бола тараққиётини психологик ташхис қилиш. Муаллифлар: Р.И.Суннатова, Г.Иргашева, С.Х.Таджиева. Тошкент -2008 йил, 156 бет
3. З.Нишонова. Ривожланиш психологияси. Педагогик психология-Тошкент -2017 –йил, 280- бет.
4. Жабборов А.М. Ўқитувчи этнопсихологияси. Қарши. Насаф нашриёти, 2015. – Б 38-104.
5. Шоумаров Ғ.Б. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизмат муаммолари. - Т., 1998. 13-15 б.
6. Рахимова К., Абдуллаева А. Тарбияси қийин ўсмирлар психологияси. - Фарғона, 2006.-92 б.
8. Каримова В.М. Ёшларда ўзбек oilаси тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар. Псих. фан. док. дисс. - Т.: ТошДУ, 1994. – 309 б.